Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

10

1986

55-йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Абдусаид КЎЧИМОВ
(масъул секретарь)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош редактор ўринбосари)
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА

Шеърият



Эркин САМАНДАР
ЮРАКДА САЙРАГАН ҚУШЛАР
Ғазаллар

Икки дил ишқи оғози
етарди ою юлдузга,
Учирсак бахт қушин юксак
агар сен ҳам, агар мен ҳам.

Наср



Валентин РАСПУТИН
ЕНҒИН

Қисса

Барча яхши ва ёмон нарсалар бизнинг кўз олдимизда, аниқ-равшан кўриб турибмиз, демак ҳар қандай касал, ҳар қандай қусур кимнингдир шахсий иши, кимгадир тегишли эмас, унинг сояси ҳаммамизга тушади...

Саргузашт, Фантастика



Ҳожиакбар ШАЙХОВ
НИШОН
Ҳикоя

...Бирдан йўловчи қўлларини ёзганча орқага тисарилди. Бамисоли миясига кимдир бармоқларини ботириб титкилаётгандай, бошида қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Турган жойида гандираклаганича тиззалаб ўтириб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бердиали Имомов,
филология фанлари доктори

МАВЗУ, ҒОЯ ВА ХАРАКТЕР

(АТЕИСТИК РУҲДАГИ АСАРЛАРГА БИР НАЗАР)

Ўзбек совет адабиёти кўплаб ҳаётбахш анъаналарга эга. Шулардан бири диний хурофот ва бидъатларни фош этиш, атеистик мотивларни кенг тарғиб қилиш орқали замондошларимизни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялайдиган асарлар ижод этиш ҳисобланади.

КПСС XXVII съезди қарорларидан келиб чиқадиган ва ижод аҳли зиммасига тушадиган масъулиятли вазифалар кўлами ҳам бу мавзуга алоҳида эътибор бериш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев КПСС XXVII съезд минбаридан сўзлаган нутқида республикада хусусий мулкчилик тенденциялари, хусусан, шахсий бойлик тўплашга мойиллик, меҳнатсиз даромад топишга интилиш каби давримизга ёт ва зарарли психология эгалари мавжудлигини таъкидлади. «Идеология соҳасидаги ишни ҳар қандай тарзда бўшаштириб юбориш ҳамда социал турмушдаги жўшқинликнинг пастлиги бизга ёт кучлар учун имконият яратиб берадиган туйнук», деб уқдирди. «Бундай кучларга қарши,— деб давом этди нотиқ,— зўр бериб кураш олиб боришимизга тўғри келмоқда. Улар диний ақидаларни, эски бидъатлар ва зарарли урф-одатларни тарқатмоқдалар... патриархал укладни сақлаб қолишга уринмоқдалар» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1986 йил, 28 февраль).

Кишилар онгидаги бундай ўта қолоқ кўринишларни йўқ қилишда, социалистик турмуш тарзига мувофиқ психологияни кенг барқарор этишда санъат ва адабиёт зиммасига алоҳида ғоявий-эстетик вазифалар тушади. Шулар асосида диний ақидаларга, хурофотга қарши ёзилган асарларга хос ютуқ ва камчиликларга кўз ташлаш, бу борадаги муаммоларни ёритиш катта аҳамият касб этади.

Адабиётимизда бу анъана буюк Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўлмас асарлари билан бошланган маълум. У диндорларнинг жирканч башарасини, разил кирдикорларини катта жасорат билан очиб ташлади. Унинг диний сарқитларга қарши ўт очувчи «Бир эшон ўпкасига жавоб», «Бугун — 8 март», «Азимхўжа эшон бинни Тошхўжа эшоннинг оғиз боғлашлари» сингари қатор лавҳа ҳамда «Бой ила хизматчи» ва «Майсаранинг иши» каби йирик саҳна асарларини эсласак, адиб ижодида бу мавзу қанчалик чуқур ва бақувват илдизга молик эканлигини ҳис этамиз.

Ҳамза анъаналарини муносиб давом эттирган санъаткор Комил Яшин яратган Гулсара, руҳонийларнинг ёвуз хуружидан тап тортмаган жасур аёл Нурхон образлари курашчан характерлар сифатида адабиётимиздаги қаҳрамонлар сафини тўлдириб турибди.

Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ғайратий каби пешқадам санъаткорлар бу анъанани турли жанрлардаги асарлар билан бойитдилар. Хусусан, Ғафур Ғуломнинг «Ҳийлаи шаръий», «Эшон ва шайтон». «Энг расво намози аср», «Арвоҳлар», «Элатияда бир ов», «Эшон «обод», «Ҳажи қабул бўлди», «Луқмон», «Афанди ўлмайдиган бўлди» сингари ҳикояларида дин ва хурофот воситасида элюртни таловчи муртадларнинг хатти-ҳаркатлари ҳажв тиғига тортилади ва халқона юмор воситасида фош қилинади. Бу — улардаги ҳаётий, ёркин деталлар, романтик бўёқлар образ ва характерларни кўз ўнгимизда аниқ гавдалантиради. Диний сафсаталарнинг чиркин илдизини очиб ташловчи бу ҳикоялар маҳорат жиҳатидан етуклиги, чуқур индивидуаллиги билан ҳам ажралиб туради. Мазкур асарлар адибнинг муҳим тарбиявий аҳамиятга молик бу мавзу устида бир умр қунт ва эътибор билан ишлаганлигини кўрсатади.

Абдулла Қаҳҳор «Бемор», «Қабрдан товуш», «Майиз емаган хотин», «Ўғри», «Даҳшат», «Тобутдан товуш», «Ўтмишдан эртаклар» каби асарларида жирканч ва разил ҳаракатлари, ахлоқсизлиги ва тубан ички оламини диний парда билан ниқоблаб юрган кимсаларни қаттиқ ҳажв остига олади. Ғайратий қатор асарларида мол-дунё йиғишга ҳирс қўйиб, ҳаром йўл тутган маккор ва сохта диндорлар қиёфасини гавдалантиради («Махсум қочди», «Тепалик мозор», «Хосиятсиз кун», «Эпчил куёв», «Довдираш» ва бошқалар).

Адабиётимиз тарихи кўрсатадики, унинг барча босқичларида атеистик мотив сезиларли ўрин эгаллаган. Бу мазвуда деярли

www.ziyouz.com kutubxonasi

барча санъаткорлар қалам тебратганлар. Айниқса, 20—30-йиллар адабиёти бу борада алоҳида ажралиб туради. Бунинг боиси, аввало, ҳаётий асос билан янгиликнинг эскилик ва турли бидъатларга қарши курашда изчил қарор топабориши билан изоҳланади. Давр тақозосига кўра бу йилларда «Худосизлар» номли махсус журнал нашр қилинар эди. Мазкур журнал ва бошқа матбуот органларида Абдулла Қодирий («Калвак махсумнинг хотира дафтаридан»), Абдулҳамид Мажидий («Тақдирнинг сири», «Инжиқ зиёратчи», «Сотилган қиз»), Хусайн Шамс («Авлиё мозорининг мўъжизаси», «Қиссасул анбиё»), Боту («Ҳайит ҳаром бўлди»), Ғози Юнус («Бачажиш»), Комил Алиев («Кишиларнинг тубани»), Н. Раҳимий («Сирлар очилди») ва бошқа қалам эгаларининг асарлари кенг ўрин олди. Мураккаб ижодий йўлни босиб ўтган Фитрат ҳам янги воқелик тазйиқи ва таъсирида «Худосизлар» журналининг энг фаол авторларидан бирига айланган эди. Умуман, бу ёзувчи ижодида диний ақида ва удумларнинг тарихий-социал зарари, пучлиги, чиркинлиги ҳажвий романтик усулда фош этилган атеистик руҳдаги асарлар салмоқли ўрин эгаллайди. Унинг «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Рўзалар», «Зайд ва Зайнаб», «Заҳронинг имони», «Оқ мозор», «Меърож» ва бошқа насрий, драматик ҳамда шеърий асарларини эсга олиш мумкин.

Хуллас, адабиётимизда атеистик руҳдаги асарлар яратиш анъанаси ҳеч вақт тўхтаб қолган эмас. Бунга кейинги ўн йиллик давомида яратилган Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Абдулла Орипов, Худойберди Тўхтабоев, Саъдулла Сиёев, Хайриддин Султонов ва бошқа турли авлодга мансуб ёзувчилар ижоди мисолида ишонч ҳосил қиламиз.

Айниқса, Худойберди Тўхтабоев ижоди хурофот иллатларини ҳажвий усулда фош қилишга мойиллиги билан диққатни тортади. Шу маънода «Сариқ девнинг ўлими» романини таъкидлаш зарур. Роман қаҳрамони Ҳошимжоннинг саргузаштлари орқали ёзувчи ҳаётимизда томир ёйишга уринаётган диний бидъатларни кулги остига олади. Гап фақат хурофий расм-русмлар ва унинг хунук кўринишларини шунчаки фош қилишда эмас. Аксинча, ёзувчининг маҳорати, романнинг қиммати автор ниятининг характер моҳиятига сингдириб, моҳирона ифодаланишида ва ўзига хос ёрқин образлар яратилишидадир.

Социалистик реализм ёзувчиси аниқ ғоявий-синфий позицияси, ҳаёт ҳодисалари ва инсоний муносабатларга нисбатан партиявий дунёқарашини асарга сингдириши шарт. Ёзувчининг асосий ғоявий пафоси реалистик тасвир давомида, асар мантиқида, персонажлар нутқида ёки муаллифнинг бевосита ва ошкора лирик-публицистик мушоҳадаларида аниқ ифодасини топади. Айниқса, диний-хурофий ақидаларга тақалган ўринларда ғоявий мақсад биллурдек тиниқ бўлиши зарур. Масалага шу талабдан ёндашилса, айрим асарларда эътирозли, ҳатто нохуш кўринишларга дуч келамиз. Чунончи, Худойберди Тўхтабоевнинг «Йиллар ва йўллар» романида ҳам шундай нуқсонга йўл қўйилди.

Адабий танқидчилик бу романнинг фазилатлари хусусида тўғри фикрлар билдирди. Шу билан бирга мураккаб образлардан бири — Пири муршид образини талқин этишда ёзувчи «фақат қора бўёқ ишлатишдан қочган» лиги ҳақида ҳам мулоҳазалар айтилди. Бироқ бу персонажни чизишда муҳим бир нуқта романга соя ташлаб турганлиги эътиборсиз қолдирилди. Чунончи, ёзувчи романнинг «Қозиққа боғланган беморлар» бобида қуйидагича ёзади:

«Пири муршиднинг умри руҳий хасталар орасида ўтиб боряпти. Тузалганлари ҳам бор, ўлганлари ундан кўп. Ўлганларини худо ўзига азиз қилган бўлади, тузалиб кетганлари ҳазратнинг дуолари туфайли (?!) яратганнинг марҳаматига мустажоб бўлган бўлади». Пири муршид қозиқ суғуриб аёллар орасига ўзини урган Бойқўзига қарата аллақандай ҳаракатлар ҳамда куф-суф қилгач, «Бамисоли мўъжиза юз бергандек бўлади». Шундан кейин автор қутуриш даражасидаги телба Бойқўзи ювошланиб, итоаткор кўйда ҳазратлари ортидан «жимгина эргашди» деб ёзади. Сел офати икки фарзандидан жудо қилгач, телбаланган аёл қаршисига келган Пири муршид кўнглидан шу гаплар ўтади: «Бу кеча уни ўқийман, тонг отгунча ўқийман. Худо хоҳласа инсу жинслари даф бўлай деб қолди(?!). Кузга бориб руҳи бутунлай покланади!»

Юқоридаги ҳолат ва гаплар ҳозирги кунда хийла ғимирлашиб қолган, диний эътиқоддан ниқоб кийиб, куф-суф қилиш, одам ўқиш, фолчилик, азойимхонлик орқасида бойлик орттириш кўйига тушган, салла ўрнига шляпа кийиб, намозхонлик қилаётганларга қўл келиши, дастак бўлиши ҳеч гап эмас. Романда ёзувчи баъзан Пири муршиднинг телбанамо хатти-ҳаракатларини гротеск усулида тасвирласа-да, унинг жинниларни ўқиб «тузатиши» аслида таги пуч, ғайриилмий, беҳуда эканини очиқ қолдириши, ўз муносабатини аниқ баён қилмаслиги оқибатида асарнинг атеистик руҳига раҳна тушади.

Кейинги йилларда пайдо бўлган насрий қиссалар орасида Хайриддин Султоновнинг икки асари эътиборни тортади. Чор мустамлакаси даври тасвирланган «Бунчалар ширинсан, аччиқ ҳаёт» номли этюдда муаллиф динга асосланган ахлоқий тушунчалар оммани зулм-ситамга чидашга, итоатгўй бўлишга чорловчи эрксизлик қуроли эканлигини реал ҳаётий деталларда, психологик негизда ифодалайди. Китобхон ўтмишдаги миллий-озодлик курашчиларининг аччиқ ва фожиавий қисмати орқали меҳнаткаш омма онгини заҳарловчи диний ақидаларнинг разил жиҳатларини англайди. Асарда эҳтирос билан ёзилган, таъсирли саҳифалар кўп. Шу билан бирга сюжетга изчил динамик суръат бағишлаб, характерларни ҳаракатда намоён этадиган типик шароит, муҳит образини гавдалантиришда маҳорат етишмаслиги ҳам сезилади.

«Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссаси эса ғоявий мавзуси ҳамда характер яратиш борасидаги ўзига хос фазилатлари билан Хайриддин Султоновнинг ижодий ютуғи саналади. Ёзувчи асар қаҳрамони Адаш Карвон тақдиридаги фожеаларни, бошидан кечирган изтиробларни бадиий таҳлил этиш воситасида диний эътиқоднинг пуч ва бемаънилигини очиб берди. Яккаю ёлғиз фарзанди Насиббекдан жудо бўлиб, хотинидан айрилиб, сўққабош қолган кекса Адаш Карвоннинг оғир ўйлари, хотиралари, психологик кечинмалари орқали асар ғояси таъсирли ифодаланади.

Қаҳрамоннинг ёшлиги инқилобдан аввалги даврга тўғри келган. У эски мактабда таълим-тарбия олган ва диний руҳда вояга етган киши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тарихий шароит, оилавий муҳит уни яратганга сабрли, итоатгўй бўлиш руҳида тарбиялайди. Ёзувчи аниқ деталлар, психологик чизгилар ёрдамида Адаш Карвонни дин йўлини қаттиқ тутган, турмуш қийинчиликларини сабр-тоқат билан енгишга уринувчи, қуръон ақидаларига қаттиқ амал қилувчи ўта художўй шахс сифатида гавдалантиради. Характер сифатида ўзига хос жиҳатларга молик бу образ ёзувчи талқинида катта қийинчиликлар билан ўзгара боради. Бу оғир руҳий жараён асарда характер мантиқига мустаҳкам боғлиқ ҳолда рўй бергани учун ҳам ишонарли чиққан.

Бошига тушган кўргиликларни, оғир қисматларни «худойим буюрганда» қабилида қулларча итоатгўйлик билан қабул қилувчи Адаш Карвон узоқ вақт шу психологияга содиқ қолади. У диний ақидалар сиртмоғидан қутулиб кетишга ожиз. Фақат Ойниса жон таслим қилар чоғидагина «яратганни умрида илк бор ич-ичидан нотантиликда, номардликда айблади. Айблади-ю, ўзининг шаккок шижоатидан қўрқиб кетди».

Бутун умрини хаёлан кезиб чиққан, кўргиликларини, дин йўлида сабр-тоқатлари эвазига чеккан беадад изтироблари боисини фақат худо туфайли деб юпатиб келган Адаш Карвон қуръон тиловат қилар экан, кўнглида, онгида ғалаён чарх уради:

«Эй азиз бандам, иқрорман, мен сенга «мўмин бўл», деган эдим — «мутеъ бўл!» деганим йўқ эди: «Тупроқдай хоксор бўл!» деган эдим — «тупроқдай хор бўл!» деганим йўқ эди...»

Бу кўр кўзнинг ярқ этиб очилишидай гап — қаҳрамон умри ниҳоясида диний эътиқоднинг рўё эканлигини тусмол ҳолатида туйгандай, гоҳ онгли, гоҳ онгсиз ҳолатда идрок этгандай бўлади. Адаш Карвондек диний эътиқодга муккадан кетган шахснинг бутунлай бошқача кимсага айлантириб қўйиш реализмга хилоф иш бўлар эди. Ёзувчи қаҳрамон психологиясидаги ўзгариш, силжиш меъёрини, суръатини сақлашда муайян маҳорат кўрсата олган.

Адаш Карвон инсоний характер сифатида оригинал чиққанлигига қарамай, унда танқидчилик назаридан четда қолган бир муҳим нуқсон мавжуд.

Реалистик санъатда характер конкрет даврнинг ижтимоий муносабатларидан, муҳит таъсиридан ажралган ҳолда ўзлигини тўла кўрсата олмайди. Адаш Карвон қисматлари тасвирланган замон ва макон доираси ҳозирги кунларимизга чамбарчас эканлиги асарда уқдирилади. Аммо колхозчи Адаш Карвон қисматида, унинг диний мутелигида, умуман, ҳаётида ижтимоий тузум руҳи, гуманизми, атрофидаги реал шароит, муҳит вакиллари шунчаки умумий фон тарзида кечганидан, уларнинг қаҳрамонга таъсири айтарли сезилмайди. Оқибатда, танқидчилик тўғри таъкидлаганидек, Сатторнинг Насиббек қотилига айланишида ҳаёт ҳақиқатидан кўра ёзувчининг истак-майли, хоҳиш-иродаси устунлик қилади; Адаш Карвоннинг худодан бошқа нарсани кўнглига сиғдирмаслигида ҳам шундай бир томонламалик сезилади.

Юқоридаги нуқсонлар қисса бош қаҳрамони характерини, унинг ижтимоий-маънавий моҳиятини замонамиздан, давримиз руҳидан орқага судрайди.

Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси баъзи мақолаларда таъкидлангандек, бевосита атеистик мавзуга бағишланган эмас. Унда ёзувчи инсоний ишқ-муҳаббатнинг асоси, у авлодлар силсиласида мангу ва узилмасдир, деган эзгу ғояни диний эътиқод таъсиридан тўла қутилолмаган Қоплон ва Оймома характери орқали акс эттиради. Муаллифнинг дастхатида, аналитик тасвир услубида ўзига ром этувчи илиқ хусусиятлар йўқ эмас. Персонажлар хатти-ҳаракатлари ва руҳиятидаги ўзгаришларни ифодалаш, сўз қўллаш йўли ўзига хос ўктам оҳангда, халқ ижоди руҳига монанд, содда лирик майинлик ва романтик жилваларда кечади. Қисса сюжетида қолиплаш усули ҳам ўринли: баён кексайган, сўққабош Қоплоннинг ойдинда ўтирган кўйи хаёл суриши, марҳум бекаси билан ғойибона суҳбатлашиши тасвиридан бошланади ва шу ҳолат билан якунланади. Бахтга қарши, қисса поэтикасининг шаклий томонларига оид бундай фазилатлар ғоявий мазмундорлик ва конфликтнинг чуқурлиги билан етарли уйғунлашмаган. Тоғай Мурод ҳам масаланинг муҳим томонини, характерни ҳаракатга ундайдиган типик шароитга хос мураккабликларни ёнлаб ўтади ва персонажларни давр, замон руҳидан йироқ этнографик, ҳатто физиологик жиҳатларга боғлаб тасвирлашни бош ўринга чиқаради. Шу важдан кўпгина ижобий сифатлар бўлишига қарамай, Қоплон ҳам, Оймома ҳам бирор арзирли ижтимоий-ҳаётий тўсиқни енгиб ўтишмайди, ўзларидаги мавжуд кучни, характер қудратини тўла намойиш қилолмайдилар.

Мазкур мавзуда Неъмат Аминов, Аббос Муҳиддин, С. Юнусов, А. Жўраев, А. Ибодинов каби ёзувчилар ҳам турли асарлар эълон қилишди. Булар орасида Саъдулла Сиёев ижоди ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Унинг «Чол билан кампир», «Товуқ нега йўталди?», «Қиз боланинг панди», «Даҳрий» каби асарларида диний-хурофий иллатларнинг турлича кўринишлари енгил юмор воситасида жиддий танқид қилинади. Шу билан бирга ёзувчининг баъзи ҳикояларида муҳим ғоявий ният индивидуаллашган, умумлашма мазмунни қамраган ёркин реалистик характерлар тимсолида намоён бўлмай қолади. Нисбатан дурустроқ чиққан «Даҳрий» ҳикоясида ҳам чинакам характер даражасига кўтарилган ва ўзида ҳақиқий даҳрийлик сифатларини тиниқ жам этган жозибали инсоний образни тасаввур этолмаймиз. Чамаси, характер яратишдаги нуқсон Саъдулла Сиёевнинг персонажлар нутқини, психологиясини ўзига хос ифода этиш маҳорати билан боғлиқ. Унинг айрим асарларида автор ва персонажлар нутқида фарқ сезилмаслиги, бир хиллик мавжудлиги шундан бўлса керак.

Ҳозирги драматургиямизда ҳам хурофий иллатларни фош қилувчи, диний ақидаларнинг кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашга зидлигини кўрсатишга қаратилган асарлар мавжуд. Бу борада Ҳамид Ғуломнинг «Тошболта ошиқ» комедияси жиддий воқеа бўлгани маълум. Муқимий театри мазкур анъанани давом эттириб, яқинда Иззат Султоннинг «Кумуш шаҳар маликаси» драмасини саҳналаштирди. Унда эл-юрт эрки, халқнинг тинчликда ҳаёт кечириши шахс бахтининг асоси, деган муҳим ғоя ўтмиш ривоятлари асосида ифодаланади. Тўғри, асардаги барча образлар Дилрабо, Илоқий, Шош подшоҳи етарли даражада индивидуаллашмаган.

Аммо драма ҳажвий руҳи, дин ақидалари устидан уйғотадиган аччиқ кулги жиҳатидан чуқур тарбиявий қимматга эга. Ўтмишда

www.ziyouz.com kutubxonasi

оилавий қўйди-чиқди борасида қўлланиб келган ҳалала одатининг ярамас томонлари қаттиқ танқид қилингани бу асарнинг ғоявий йўналишини кучайтиради, унга халқчил юмор, комизм бағишлайди. Икки Азимнинг диний удумга кўра оилавий муносабатдаги енгилтаклигидан келиб чиқувчи кулгили ҳолатлар драмада ҳаётий манзаралар воситасида чизилади.

Асардаги барча бадиий воситалар авторнинг воқеликка муносабатини, ғоявий позициясини аниқ гавдалантириши зарур. Шукруллонинг «Ўғрини қароқчи урди» комедиясида шу жиҳатдан бир эътирозли ўрин ва жиддий нуқсон бор. Беҳуда хайр-худойи, одамларнинг вақтини бекорга ўғирловчи ортиқча эскича маросимлар устидан кулиш ниятида маҳалла югурдаги Шодмон образи асарга киритилади. У табиатан ўта юлғич, суллоҳ, айни чоқда мусулмончилик шартларини бажо келтиришни, ҳаж қилишни кўнглига тумор қилиб тугиб олган киши. Шу кўйда товламачининг тузоғига илинади.

ШОДМОН. Оз-моз пул жамғариб қўйган эдим. Маккага боришимни гаплашаман деган эдингиз.

ЗУФНУНИЙ. Савоб ишларга жонимизни берамиз. Маккага атаганингизни ташлаб кетаберинг.

Ниҳоят, асар охирида Шодмоннинг «Макка-Мадинага боришимиз нима бўлди?» деган саволига Зуфнуний «Бормасангиз ҳам бўлади, ҳажингиз шу ерда қабул бўлди», деган ланж жавобни айтади. Лекин бу диалоглар билан автор кимнинг устидан кулаётганлигини, ҳажв негизини кимга қаратаётганини англаш маҳол. Шукрулло Шодмон психологиясидаги бу иллатни фош қилиш ўрнига беозор тилга олади, унга кескин зарба бермайди. Оқибатда қолоқ, хурофот ва бидъат тузоғидан қутула олмаган айрим тоифалар кўнглида ғимирлаб юрган бу диний сарқитни шунчаки эслатиш ўлган илоннинг бошини қўзғатишдек таассурот қолдиради.

Драмада Ҳошим аравакаш пайғамбар ёшига етгани учун ичкиликни ташлаб, юртга ош бераётгани Шодмон тилидан айтилади. Бу ўринда ҳам мазкур диний хурофий сана қораланиш ўрнига эзгулик маррасига айлантирилади.

Партия ва ҳукуматимиз кейинги йилларда идеология масалаларига, жумладан, меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. Кейинги пайтларда идеология соҳасида таълим-тарбиявий ишларнинг сусайиши сохта авлиёю парихонлар ҳамда «куф-суф»чиларнинг бош кўтаришига, хилма-хил хурофий бидъатларнинг урчишига баъзи жойларда имкон туғдирди. Бундай иллатларга қарши кескин курашмоқ зарур. Адабиётимиз бу соҳадаги ҳаётбахш анъаналарга, коммунистик партиявийлик принципларига содиқ қолган ҳолда диний ақидаларнинг негизи пучлигини фош этувчи таъсирбахш, типик характерлар яратиш, замонага мослашиш тамаида халққа диний оғу сочаётган кимсалар қиёфасини танқид ва ҳажв тиғидан ўтказишдек эзгу ишни муносиб давом эттиради. Бу — сўз санъаткорлари зиммасига юкланган долзарб ижодий вазифалардандир.

Диний-хурофий мавзудаги асарлар чуқур ғоявийлик, юксак бадиийлик асосида моҳирона ёзилган, йирик, такрорланмас характерларни бағрига жо этган чоғдагина ижтимоий-ахлоқий мазмундорлиги билан адабиётимизнинг жанговарлигини, таълим-тарбиявий қудратини, давримизнинг илғор ахлоқий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлашга, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашга хизмат қилади. Бунинг ёрқин намунаси адабиётимизнинг илк даврларидан бошлаб ҳукм суриб келаётган илғор ва ибратли анъаналаримиздир. Вазифа — уларни янги шароитда, янги мазмун асосида ривожлантириш ва янада бойитишдан иборатдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi